



ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИННИНГ БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ: ЎРТА ОСИЁ МИСОЛИДА

Элмонов Бекмурод Эрмат ўғли -
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон
Миллий Университети, докторант

doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a8

Аннотация. Мақолада иқлим ўзгаришини барқарор иқтисодий ривожланишга таъсири Ўрта Осиё мисолида үрганилган. 1990-2021 йилларда Ўрта Осиё мамлакатларида демографик, экологик ва ижтимоий-иктисодий омилларнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ортиши таъсири панел таҳлил усуллари ёрдамида баҳоланилган. Қайта тикланадиган энергия истеъмолининг ортиши аҳоли жон бошига нисбатан CO_2 миқдорини камайтириши аниқланган. Туғилишдан қутиласётган ўртача умур кўриши давомийлигининг ортиши, фертилитация давридаги бир онага тўғри келувчи фарзандлар сонини камайшининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдорига таъсирини иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда урганилган.

Калим сўзлар: иқлим ўзгариши, қайта тикланадиган энергия истеъмоли, иқтисодий ўсиш, демографик ўзгаришлар, бандлик, Ўрта Осиё.

ВЛИЯНИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА УСТОЙЧИВОЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ: ПРИМЕР ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Элмонов Бекмурод Эрмат ўғли -
Национальный университет Узбекистана имени
Мирзо Улугбека докторант (PhD)

Аннотация. В статье рассматривается влияние изменения климата на устойчивое экономическое развитие на примере Центральной Азии. В 1990-2021 годах влияние демографических, экологических и социально-экономических факторов на прирост ВВП на душу населения в странах Центральной Азии оценивалось с использованием методов панельного анализа. Было показано, что увеличение потребления возобновляемой энергии снижает выбросы CO_2 на душу населения. Исследовано влияние увеличения ожидаемой продолжительности жизни при рождении, снижения числа детей на одну мать в фертильный период на величину ВВП на душу населения с учетом изменения климата.

Ключевые слова: изменение климата, потребление возобновляемой энергии, экономический рост, демографические изменения, занятость, Центральная Азия.

IMPACT OF CLIMATE CHANGE ON SUSTAINABLE ECONOMIC DEVELOPMENT: THE EVIDENCE OF CENTRAL ASIA

Elmonov Bekmurod Ermat ogl-
doctorate (PhD) of the National University
of Uzbekistan named after M. Ulugbek

Annotation. The article examines the impact of climate change on sustainable economic development on the example of Central Asia. In 1990-2021, the impact of demographic, environmental and socio-economic factors on GDP growth per capita in the countries of Central Asia was assessed using the methods of panel analysis. Increasing renewable energy consumption has been shown to reduce per capita CO_2 emissions. The influence of an increase in life expectancy at birth, a decrease in the number of births per woman during the fertility period on the value of GDP per capita, taking into account climate change, has been studied.

Keywords: climate change, renewable energy consumption, economic growth, demographic change, employment, Central Asia.

Кириш. Иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни трансформациялаш меҳнат бозорларини глобаллашув, технологик ўзгаришлар, ресурслар танқислиги ва демографик ўзгаришлар таҳдидини камайтиради.

Ҳар сонияда дунё бўйлаб 23 гектар ер чўлланиб боряпти. Бу ҳолат давом этаверса, 2050 йилга бориб, Ер юзининг 95 фоизи чўлланиши ва бу 3 миллиарддан зиёд одамни озиқ-овқат танқислигига қолдириши мумкин. Чўлланиш қашшоқликни келтириб чиқаради. Бу ҳозир яхши яшаётган 3,2 миллиард одам яқин келажакда озиқ-овқат танқислигидан азият чекишига сабаб бўлиши мумкин. Ҳозир Ер юзининг 75 фоизи

чўлланган. Чўлланишга табиий ва антропоген омиллар таъсир кўрсатади ва деградация жараёнини тезлаштиради [1].

Чўлланишга қариши Хитойда “Хитойнинг Буюк яшил девори” лойиҳаси, Исройлда Саванналаштириш ва Миср каби мамлакатларнинг технологиялари ўз самарасини бермоқда. Бундай иқлим ўзгариши табиий иқтисодий инқизорзни, минтақавий турли ижтимоий-иктисодий муоммолоси музага келтириши мукин. Ўрта Осиё мисолида иқлим ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилиши натижасига асосан иқлим ўзгаришига олиб келувчи CO_2 нинг ҳажми, унинг аҳоли жон бошига миқдорининг кама-

иши, қайта тикланадиган энергия истеъмолининг ортиши бандлик таркиби, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдори ўртасидаги қарама-қарши боғлиқлик кучланишни ошираётгани маълум бўлди.

Иқлим ўзгариши трансформацион жараён ҳисобланади. Янги "Яшил иқтисодиёт"га оид касб турларини пайдо қиласди ва мавжуд баъзи иш ўринларини шунга мослаштиради. Кенг маънода яшил иқтисодиётга мос келувчи иш ўринлари атроф-муҳитга ижобий таъсири кўрсатадиган касблардаги иш ўринини ифодалайди. Бундай касб турларининг асосий вазифалари юқори самарадорликка эришиш, шунингдек эга ёки турли хавф-хатарларни олдини олишга қаратилган стратегияларни ишлаб чиқиш асосида экотизим ва биохилма хилликни сақлаш ва ҳимоялаш; энергия сарфи, хомашёдан фойдаланишни оптималлаштиришдан иборат. Яшил иқтисодиёти чиқиндилар кўпайишини ва заҳарли моддаларнинг тарқалишини минималлаштириш ёки умуман йўқ қилишни кўзлади.

Яшилластириш қуйидаги тармоқларда кенг оммалашди ва фойдалилиги ошиб борди: қурилиш, электрон машиналар ишлаб чиқариш, мис қазиб олиш, қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш, биомасса экинларини етиштириш, транспорт ва хизматлар шулар жумласидандир.

Мамлакатларнинг Париж келишувига кўра глобал иқлим исини 1,5 фоизга ошмаслигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий фойдалиликни ошириш мақсад қилинган [2]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2022 йил 19 октябрда Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларида: "транспорт, инновация, рақамлаштириш, "яшил" иқтисодиёт, муқобил энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш, инклюзив таълим устувор соҳалар" -деб белгиланди[3]. Бу эса, ушбу мақола мавзусининг долзарлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқлим ўзгаришини қишлоқ хўжалигига таъсири, иқтисодий ўсишга таъсири, фуқаролик низоларига таъсири, инсон саломатлигига таъсири, инсон капиталига таъсири ва меҳнат унумдорлигига таъсири адабиётларда кенг ўрганилган.

Hongbo Duan, Deyu Yuan, Zongwu Cai, Shouyang Wang лар Иқлим ўзгаришини Хитой иқтисодиётига таъсири баҳоланганди [4]. Унга кўра ҳароратнинг 1°C га ортиши ишлаб чиқаришни $0,78\%$ га камайтиради, ёмғирнинг 100 ммга ортиши $0,86\%$ га оширади ва намликнинг 1% га ортиши эса ишлаб чиқаришни $1,34\%$ га камайтиради. Юқори ҳарорат ривожланиши паст бўлган ҳудудларга юқори салбий таъсири кўрсатади. Ривожланиши юқори бўлган ҳудудларда

ёмғир ижобий таъсири юқори ҳисобланади. Иқлим ўзгаришининг ЯИМга салбий таъсири Хитойда 2100 йилгача $4,23\%$ гача ошиши мумкин. Иқлим ўзгаришининг иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида таъсири намоён бўлиши мумкин. Жумладан, қишлоқ хўжалигига, саноатда, экологик тизимга ва инсон саломатлигига юқори салбий таъсири ортиб боради. Халқаро баҳолаш ҳисботига кўра глобал иқлим исини 4°C га ортиши ЯИМни $1-5\%$ гача камайишига олиб келиши мумкин [5].

Атроф муҳитга заҳарли моддаларнинг чиқшини назоратга олинмаса тадқиқотларга кўра дунёнинг 77 фоиздан ортиқ мамлакати қашшоқлашиши юзага келиши мумкин шу асрнинг охирiga келиб [6].

Глобал исининг 1°C га ортиши Иқтисодий ўсишни ўртача $1,3\%$ гача камайтириши мумкин [7]. Хитойда маккажухори ва соя ўсимлигини етишириш 2100 йилга бориб мос равища 3-12 фоиз ва 7-19 фоизгача камайиши кутилмоқда [8]. Иқлим исини аҳолиси зиж ва мослашиш имконияти суст бўлган ҳудудларда иқлим исини билан боғлиқ ўлим даражасини оширади [9]. Иқлим ўзгариши энергетика тизимини ҳам шокка тушириши мумкин [10], глобал миқёсда энергияга талаб 2100 йилгача ўртача $2,8\%$ га ошиши мумкин. Бу 190 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги энергия куввати демакдир [11]. Бундан ташқари, инвестиция, савдо ва сиёсий барқарорликка глобал исининг салбий таъсири ижтимоий иқтисодиёга салбий таъсири этади [12], айниқча ривожланиши даражаси паст бўлган мамклакларда қўшимча ҳар бир ҳароратнинг ортиши ЯМДни ўртача $8,5\%$ гача камайтиради [13].

Умуман олганда, иқлим ўзгариши қисқа муддатда (ушбу асрда) баъзи салқин мамлакатларда ёки қишлоқ хўжалигига ижобий таъсири кўрсатса, узоқ муддатда бу самарани яна қайтиб олади, салбий таъсири юзага келади [14]. Иқлим ўзгариши минтақанинг салқинроқ ва иликроқ ҳудудларига таъсири турлича. Салқинроқ ҳудудларда салбий таъсири юзага келса, иликроқ ҳудудларда бунинг акси [15].

Ҳаттоқи бу тафовут бир мамлакат доирасидаги ҳудуларда ҳам турлича намоён бўлади. Маълум тармоқлар ва иқлим ўзгариши ўртасидаги боғлиқлик таҳлилига кўра, ҳароратнинг 1°C га ошиши қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришни $1,32\%$ га камайтиради. Саноатда эса, иқлим ўзгариши ишлаб чиқаришни $2,57\%$ га қисқартиради, қишлоқ хўжалигига нисбатан деарли икки баробар кам. Марказий ва Лотин Америкасида эса ноаграпар соҳаларга таъсири, яъни саноат, хизмат кўрсатиш ва туризм соҳаларига таъсири юқори бўлади [16].

Иқлим ўзгариши натижасида экотизим ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар турли ноаниқ-

ликларга дуч келмоқда. Жумладан, иқлим сенситивлиги, денгиз сатхининг ўзгариши, биохилмалык, уруғчилик ва инсон саломатлигига таъсири, инсониятнинг иқлим ўзгаришига мос технологияларга ва турмуш тарзига мослашиш, мамлакатлараро ўзаро келишувлар ноаниқлар мавжуд [17]. Инсон капитали иқтисодий ўсишни таъминловчи асосий ўзак ва иқлим ўзгаришининг ишлаб чиқаришга мослаштирувчи асосий канал ҳисобланади. Илмий далилларга кўра ҳароратнинг 26°C дан ортиши инсоннинг ақлий фаолияти ва фаолият самарадорлиги, бўш вақти-нинг маржинал нафлилигини камайтиради [18].


Ҳарорат ва ёғингарчилик иқтисодий ишлаб чиқаришда узоқ йиллар давомида муҳим рол аҳамият касб этган. Шундай бўлсада, намлиқ, қуёшли кун, шамол тезлиги кабилар иқлим билан боғлиқ бошқа ўзгарувчиларнинг иқтисодий фаолиятга таъсири ошиб бормоқда [19].

Барқарор ривожланишга иқлим ўзгаришининг таҳди迪 ижтимоий, иқтисодий, маданий ва атроф-муҳит ўзгаришига нисбатан таъсири юқори. Осиё мамлактлари бўйича технологик инновация, атроф-муҳитни ҳимоялаш бўйича тартибга солиш каби сиёsat олиб боришда иқлим ўзгаришининг аҳамияти ҳам кўриб чиқилган.

Чиқинди ҳажми, ҳаво таркибида заҳарли моддалар ортиши аҳоли зич жойлашган худудларда аҳоли саломатлигига кескин таъсири этиб квази экзоген ўлимни оширади. Иқлим ўзгаришининг асосий сабаби ҳаво таркибидаги CO_2 нинг ортиши ҳисобланади. Ўрта Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалигига бандларнинг улушининг камайишига иқлим ўзгариши, жумладан глобал исишнинг таъсири ҳам мавжуд.

Тадқиқот методикаси. Иқлим ўзгаришининг барқарор иқтисодий ривожланишга таъсири бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш, омилларнинг ўзаро боғлиқлиги кучини аниқлаш ва иқтисодий жиҳатдан тақдослаш. Мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўрта Осиё мамлакатларида 1990-2021 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдорининг даврнинг биринчи беш йиллигига камайиб, кенги даврларда ошиб борган. Жумладан, бу кўрсаткич Туркманистанда 2,16 баробарга, Ўзбекистонда 2,16 баробарга, Қозоғистонда 1,93 баробарга юқори ошиш тезлигига эга бўлса, Қирғизистон ва Тожикистон Респуббуликаларида ўртача 0,94 баробарга ошган (1-расм).



1-расм. Ўрта Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ миқдорининг ўзгариши

Манба: Data. <https://data.worldbank.org/topic/climate-change>

Тадқиқотда кўп омилли регрессия тенгламасидан ҳам фойдаланилди. 1-жадвалда таҳлил жараёнидаги таъсири этувчи омиллар таркиби берилган.

Аввал иккита гипотезада илгари сурилган омиллар ўртасидаги боғлиқлини таҳлил этамиз.

Гипотеза 1 (Н 1) Аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO_2 миқдорининг ўзгариши иқтисодий ривожланишга таъсири кўрсатади.

Гипотеза 2 (Н 2) Бандлик тармоқ таркиби ва қайта тикланадиган энергия истеъмоли аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO_2 миқдорини камайишига таъсири кўрсатади.

Асосий ўзгарувчилар мөҳияти

Шартли белги	Ўзгарувчилар мөҳияти
GDP per capita	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМ, АҚШ долл. 2015=const
CO ₂ per capita	Аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO ₂ , м. тонна
RenewEC	Уммуий энергия истеъмоли таркибида қайта тикланадиган энергия истеъмоли ҳажми, % да
EmplAgri	Қишлоқ хўжалигида банд аҳоли улуси, % да
Emplindus	Саноатда банд аҳоли улуси, % да
EmplServ	Хизмат кўрсатиш соҳасида банд аҳоли улуси, % да
ε _{it}	Бошқа омиллар эвазига таъсирнинг юзага келиши

Натижада бу икки гипотеза таҳлил натижаларини қиёсий таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади.


$$\ln(\text{GDP per capita})_{it} = \beta_0 + \beta_1 \ln(\text{CO}_2 \text{ per capita})_{it} + \varepsilon_{it} \quad (1)$$

$$\begin{aligned} \ln(\text{CO}_2 \text{ per capita})_{it} = & \alpha_0 + \alpha_1 \ln(\text{RenewEC})_{it} + \alpha_2 \ln(\text{EmplAgri})_{it} \\ & + \alpha_3 \ln(\text{Emplindus})_{it} + \alpha_4 \ln(\text{EmplServ})_{it} + \varepsilon_{it} \end{aligned} \quad (2)$$

(H1) ни (1), (H2) ни (2) тенглик асосида регрессион боғликлигини текширамиз.

Ўрта Осиё мамлакатларида 1990-2021 йилларда қайта тикланадиган электроэнергия истемолининг ортиши CO₂ нининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори камайишига ижобий таъсир этган. Аҳоли сони юқори марта ошган Ўрта Осиё мамлакатлар аҳолисининг

қишлоқ хўжалигида бандлар улушкининг камайиш тезлиги бирмунча паст. Туғилишдан кутилаётган ўртача умур қўриш давомийлигининг ортиши, фертиляция давридаги бир онага тўғри келувчи фарзандлар сонини камайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ортиши ўртасида боғлиқлик мажуд (2-расм).




2-расм. Ўрта Осиё мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO₂ миқдори, метр тонна
Манба: Data. <https://data.worldbank.org/topic/climate-change>

Ўрта Осиё мамлакатларида 1990-2021 йилларда қайта тикланадиган электроэнергия истемолининг ортиши CO₂ нининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдорни камайишига ижобий таъсир этган. Ушбу даврда Ўрта Осиё мамлакатларида қайта тикладанинг энергия истеъмоли ўртача 1,48 баробарга ошган бўлса,

CO₂ нининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдори ўртача 0.64 баробарга камайган. Қайта тикланадиган энергия истеъмоли Қирғизистон Республикасида деарли 4 баробар энг юқори даражада ортган бўлса, Туркманистон Республикасида эса деарли 0,5 баробарга камайган.

Аҳоли сони юқори марта ошган йўрта Осиё мамлакатлар аҳолисининг қишлоқ хўжалигида бандларнинг улушининг камайиш тезлиги бирмунча паст. Жумладан, Тожикистонда бу даврда аҳоли сони 1,85 баробарга ошган бўлса, қишлоқ хўжалигида банд аҳолининг умумий бандлар

сонидаги улушининг қисқариш тезлиги энг паст -0,82. Шундай бўлсада, ушбу даврда барча йўрта Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалигида бандлик камайган ва хизмат кўрсатиш соҳаларидағи бандлик улуши ортиб борган (3-расм).



3-расм. 1990-2021 йилларда йўрта Осиё малакатларида демографик, экологик ва ижтимоий-иктисодий омилларнинг чизиқли тренд ўзгариши

Манба: Data. <https://data.worldbank.org/topic/climate-change>

Туғилишдан кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлигининг ортиши, фертиляция давридаги бир онага тўғри келувчи фарзандлар сони камайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ортиши ўртасида боғлиқлик мажуд. Бу ўз навбатида демографик дивидент қайтишининг илк босқичи юзага келатганлини ифодалайди.

Туркманистонда туғилишдан кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлиги ўрганилган мамлакатлар бўйича энг юқори тезлиқда ошган (1,09 баробар), унга энг кам фертиляция даври-

даги бир онага тўғри келувчи фарзандлар сонидаги ўзгариш тўғри келган (0,62 баробар). Аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ортиш тезлиги ҳам ушбу мамлакатда юқори (2,16 баробар). Фақатгина бу қонуният Қозогистонда бирмунча фарқ қиласи холос. Бунга Қозогистоннинг ривожланиш даражаси, ташки инвестицияларнинг юқорилиги каби омиллар таъсир кўрсатган.

Статистик ва эконометрик таҳлил натижасига кўра, аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO₂ миқдорининг 1 % га ўзгариши аҳоли жон бошига

тўғри келувчи ЯИМни 0,66 фоизга оширган ($N=159$; $F(5, 153)= 148.24$; $Prob > F=0.0000$; $R^2=0.7721$). Шундай бўлсада, CO_2 нинг салбий ташқи самараси ҳам ошиб борган.

(H2) гипотезага асосан қайта тикланадиган энергия истеъмолининг 1 фоизга ортиши аҳоли жон бошига тўғри келувчи CO_2 миқдорининг 0,37 фоизга ижобий камайишига таъсир кўрсатган. Қишлоқ хўжалиги, санаот ва хизмат кўрсатиш соҳаларида аҳоли бандигининг ўзгариши бу миқдорни мос равища 0,142 фоиз, 0,005 фоиз, 1,982 фоизга ўзгартириши мумкин ($N=160$; $F(4, 155)= 154.90$; $Prob > F=0.0000$; $R^2=0.7999$). Хизмат кўрсатиш соҳасига таъсири нинг юқори эканлиги анъанавий транспорт хизматларининг экологияга юқори салбий таъсири билан боғлаш мумкин.

Хулоса ва таклифлар. Иқлим ўзгаришига асосий сабаби ҳаво таркибидаги CO_2 нинг ортиши ҳисобланади. Ўрта Осиё мамлакатларида қишлоқ хўжалигида бандлар улуши камайишига иқлим ўзгариши, жумладан глобал исиншинг таъсири ҳам мавжуд. Иқлим ўзгаришининг ортиши энергия тизимини шокка туширади, турли ноаниқликлар юзага келади.

Ўрта Осиё мамлакатларида 1990-2021 йилларда қайта тикланадиган электроэнергия истемолининг ортиши CO_2 нининг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдорни камайишига ижобий таъсир этган. Аҳоли сони юқори марта ошган Ўрта Осиё мамлакатлар аҳолисининг қиши-

лоқ хўжалигида бандларнинг улушининг камайиш тезлиги бирмунча пастлиги сақланиб қолинган. Туғилишдан кутилаётган ўртача умр кўриш давомийлигининг ортиши, фертиляция давридаги бир онага тўғри келувчи фарзандлар сонини камайиши ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯИМнинг ортиши ўртасида боғлиқлик мавжуд.

Иқлим ўзгаришининг барқарор иқтисодий ривожланишга таъсирини камайтиришда куйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- келгусида иқлим ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни трансформациялаш жараённида глобаллашув, технологик ўзгаришлар, ресурслар танқислиги ва демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўзаро минтақавий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш;

- ижобий экотизимни сақлаб қолиш, рақо-батбардошлини ошириш ва барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда тўртинчи санаот революцияси ишланмаларидан фойдаланиш амалиётини жорий этиш йўналишларини белгилаш;

- Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга ва инвестиция, савдо ва сиёсий барқарорликка глобал исиншинг таъсирини камайтиришда иқлим ўзгаришига мос трансформация жараёнини бос-қичма-босқич амалга ошириш зарур.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абдуҳалимова З. Ўзбекистон ҳудуди шиддат билан чўлланишда давом этмоқда: сабаб, оқибат ва ечимлар. 2021.<https://kun.uz/news/2021/06/27/ozbekiston-hududi-shiddat-bilan-chollanishda-davom-etmoqda-sabab-oqibat ва-yechimlar>
2. <https://president.uz/uz/lists/view/5623>
3. IRENA and ILO. Renewable Energy and Jobs – Annual Review 2021, International Renewable Energy Agency, International Labour Organization, Abu Dhabi, Geneva.
4. Hongbo Duan, Deyu Yuan, Zongwu Cai, Shouyang Wang. Valuing the impact of climate change on China's economic growth. *Economic Analysis and Policy. Volume 74*, June 2022, Pages 155-174
5. Sonia I. Seneviratne, Xuebin Zhang. Weather and Climate Extreme Events in a Changing Climate IPCC, 2007. https://www.ipcc.ch/report/ar6/wg1/downloads/report/IPCC_AR6_WGI_Chapter11.pdf
6. Burke, M. & Emerick, K. Adaptation to climate change: Evidence from us agriculture. SSRN working paper 2144928 (2014).
7. Dell, M., Jones, B. F. & Olken, B. A. Climate change and economic growth: Evidence from the last half century. *American Economic Journal: Macroeconomics* 4, 66–95 (2012).
8. Chen Sh, Xiaoguang Chen, Jintao Xu. Impacts of climate change on agriculture: Evidence from China. *Journal of Environmental Economics and Management Volume 76*, March 2016, Pages 105-12
9. YuX. et al. Temperature effects on mortality and household adaptation: Evidence from China. *J. Environ. Econ. Manag.* (2019)
10. Hongbo Duan, Deyu Yuan, Zongwu Cai, Shouyang Wang. Valuing the impact of climate change on China's economic growth. *Economic Analysis and Policy. Volume 74*, June 2022, Pages 155-174
11. AuffhammerM. et al. Using weather data and climate model output in economic analysis of climate change. *Rev. Environ. Econ. Policy*. 2013
12. Solomon M. Hsiang, Marshall Burke, Edward Miguel. Quantifying the Influence of Climate on Human Conflict. 2010. <https://www.science.org/doi/10.1126/science.1235367>
13. Dell, M., Jones, B. F. & Olken, B. A. Temperature and income: Reconciling new cross-sectional and panel estimates. *American Economic Review: Papers and Proceedings* 99, 198–204 (2009).
14. Heal, G. & Park, J. Feeling the heat: Temperature, physiology & the wealth of nations. NBER working paper 19725 (2013).
15. FairbrotherM. et al. Temperature and Economic Growth: Across- and Within-Country EvidenceWorking paper. 2013
16. Solomon M. Hsiang, Marshall Burke, Edward Miguel. Quantifying the Influence of Climate on Human Conflict. 2010. <https://www.science.org/doi/10.1126/science.1235367>
17. Robert S. Pindyck. Uncertain outcomes and climate change policy. *J. Environ. Econ. Manag.* 2012
18. Graff ZivinJ. et al. Temperature and human capital in the short- and long-run. *J. Assoc. Environ. Resource Econ.* 2018
19. Vikniswari Vija Kumaran, Nazatul FaizahHaron, Abdul Rahim Ridzuan, Mohd ShahidanShaari, Nur Surayya Saudi, Noraina Mazuin Sapuan. The impact of climate change on the labor allocation: Empirical evidence from China. <https://doi.org/10.1016/j.jeem.2020.102376Get rights and content>